

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ,
МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

642 Суд ижрочилари томонидан ижро ҳаракатларини амалга оширишда хатланган мол-мулкни баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
24 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2744*

Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг 54-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 29 декабрдаги ПҚ-1900-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Суд ижрочилари томонидан ижро ҳаракатларини амалга оширишда

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

хатланган мол-мулкни баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Адлия вазири

М. ИКРАМОВ

Тошкент ш,
2015 йил 24 декабрь,
3-сон

**Хусусийлаштириш, монополиядан
чиқариш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси раиси**

Д. ХИДОЯТОВ

Тошкент ш,
2015 йил 24 декабрь,
01/27-26/27-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республика-
сининг Хусусийлаштириш, монополиядан
чиқариш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитасининг 2015 йил 24 декабрдаги
3, 01/27-26/27-сон қарорига
ИЛОВА

**Суд ижрочилари томонидан ижро ҳаракатларини
амалга оширишда хатланган мол-мулкни баҳолаш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг 54-моддасига мувофиқ суд ижрочилари томонидан ижро ҳаракатларини амалга оширишда хатланган мол-мулкни баҳолаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомга мувофиқ, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилиш жараёнида реализация қилинадиган, шу жумладан давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулк баҳолаш объекти ҳисобланади.

Мазкур Низомда баҳоловчи ташкилот деганда баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган юридик шахс тушунилади.

2. Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни баҳолашнинг хусусия-

ти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сон «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан белгиланади.

2-боб. Мол-мулкни баҳолаш

3. Рўйхатга олинган мол-мулкни баҳолашни ташкил этиш мазкур Низом билан белгиланган тартибда суд ижрочиси томонидан амалга оширилади.

4. Суд ижрочиси алоҳида кўчар мол-мулкнинг шартномавий нарҳини фақат алоҳида олинган мол-мулкнинг қиймати энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан, мол-мулкнинг жами қиймати эса энг кам иш ҳақининг юз бараваридан ошмаган тақдирдагина, баҳоловчи ташкилотни жалб этмаган ҳолда мустақил белгилаши мумкин, автомобилотранспорт воситалари бундан мустасно.

5. Қуйидаги мол-мулкни баҳолаш учун баҳоловчи ташкилот жалб қилинади:

а) автомобилотранспорт воситалари;

б) кўчмас мулк;

в) фонд биржасининг расмий листингига киритилмаган ва марказлаштирилган тартибда котировка қилинмаётган қимматли қоғозлар.

Фонд биржасининг расмий листингига киритилган қимматли қоғозларнинг қиймати суд ижрочиси томонидан ушбу қимматли қоғозлар бўйича фонд биржасига ёзма сўровнома юбориш орқали белгиланади.

6. Гаровга қўйилган мол-мулк билан таъминланган мажбуриятларни ижро этишда ундирув ушбу мол-мулкка қаратилган тақдирда, гаровга қўйилган мол-мулкнинг кимошди савдоси бошланадиган бошланғич реализация қилиш нархи суд қарори билан белгиланади.

7. Мол-мулк суд ижрочиси томонидан мустақил баҳоланганда мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ қарор чиқарилади.

8. Мол-мулк баҳоловчи ташкилот томонидан баҳоланган ҳолларда суд ижрочиси мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ баҳолаш натижаларини қабул қилиш ва ижро иши ҳужжатларига бириктириш тўғрисида қарор чиқаради.

3-боб. Мол-мулкни баҳолаш учун шартнома тузиш

9. Ижро ҳужжатлари бўйича реализация қилинадиган мол-мулкни баҳолаш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ёки унинг ҳудудий бошқармаси ва баҳоловчи ташкилот ўртасида шартнома тузилади. Шартномада баҳоловчи ташкилотнинг хизмат ҳақини тўлаш бўйича шартлар кўрсатилади.

Шартнома кейинчалик узайтириш ҳуқуқи билан бир йил муддатга ту-

зилади. Шартномани узайтиришда баҳоловчи ташкилот томонидан мазкур шартнома шартларига тўлиқ риоя этилганлиги ва баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун қонунчиликда белгиланган талаблар бузилмаганлигига эътибор қаратилади.

Баҳоловчи ташкилот шартномани бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида буюртмачига зарар етказилганлиги учун унинг олдида жавобгар бўлади.

10. Шартноманинг амал қилиш муддати тугагунга қадар тарафлардан бирининг уни бекор қилиш тўғрисидаги ёзма аризаси келиб тушмаган тақдирда шартноманинг муддати бир йилга узайтирилган ҳисобланади.

4-боб. Суд ижрочиси томонидан мол-мулкни баҳолаш

11. Мол-мулк мазкур Низомнинг 4-бандига мувофиқ суд ижрочиси томонидан мустақил баҳоланганда мол-мулкнинг алоҳида олинган шартномавий нархи унинг ички бозорда талаб ва таклиф конъюнктурасининг мавжуд маълумотлари асосида баҳолаш кунда амал қилиб турган нархининг 70 фоизидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

Суд ижрочиси мол-мулкнинг нархини аниқлашда бозордаги мавжуд талаб ва таклифлар тўғрисидаги очиқ маълумотлар (бозор маъмуриятидан олинган маълумот, интернетдан олинган ахборот ва/ёки мутахассис ҳулоаси)га асосланади.

12. Суд ижрочиси томонидан мустақил баҳоланиши мумкин бўлган мол-мулкнинг шартномавий нархи мол-мулк хатлангандан кейин ўн кундан кечиктирмасдан белгиланиши лозим.

13. Мол-мулкни баҳолаш тўғрисида қарор қабул қилингандан эътиборан унинг нусхаси уч иш кунидан кечиктирмасдан тарафларга юборилади.

5-боб. Баҳоловчи ташкилот томонидан мол-мулкни баҳолаш

14. Баҳолашнинг умумий шартлари баҳолаш фаолияти тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ белгиланади.

15. Ижро ҳаракатлари давомида суд ижрочиси мол-мулкнинг фарқловчи белгилари (тури, нави, маркаси, ўлчами ва ҳ. к.) ва ҳақиқий ҳолатини кўрсатган ҳолда рўйхатини тузади.

16. Сотиладиган мол-мулкнинг бошланғич нархини белгилаш учун суд ижрочиси баҳолаш тўғрисидаги қарори билан баҳоловчи ташкилотни жалб қилади.

17. Баҳолаш муддати ва баҳоловчи ташкилотнинг хизмат ҳақи суд ижрочиси ва баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланиб, бу ҳақда баённома тузилади. Бунда, баҳолаш муддати ижро ҳаракатларини амалга ошириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган муддат инobatга олинган ҳолда белгиланади, бироқ ушбу муддат баҳоловчи ташкилотга шартномага мувофиқ барча

ҳужжатлар тақдим қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан ошиб кетмаслиги лозим.

Баҳоловчи ташкилотга ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида реализация қилинадиган мол-мулкни баҳолаш учун баҳоловчи ташкилотга ҳақ тўлаш тарифларига мувофиқ ҳисобланган калькуляцияга асосан белгиланади.

18. Баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолаш объектига нисбатан белгиланган тугатилиш қиймати суд ижрочиси учун мол-мулкнинг бошланғич савдо нархини белгилашга асос бўлади.

19. Баҳолаш объектларининг тугатилиш қиймати ($C_{лик}$) уларнинг бозордаги қиймати асосида қуйидаги формула бўйича белгиланади:

$$C_{лик} = C_{бозор} * (1/k) * (1 - e^{ln(1-k) * (t_{лик} / t_{норм})}), \text{ бунда:}$$

$C_{лик}$ — мумкин бўлган экспозиция давридан ($t_{норм}$) қисқарок, уни экспозиция қилишнинг белгиланган даврига ($t_{лик}$) мос бўлган баҳолаш объектининг тугатилиш қиймати, сўм;

$C_{бозор}$ — баҳоналаётган объектнинг бозордаги қиймати (сўм);

k — объект сотилиши мумкин бўлган энг охириги нархини назарда тутовчи коэффициент;

$t_{норм}$ — баҳолаш объекти ички бозорда экспозиция қилинадиган ўртача муддат;

$t_{лик}$ — объектининг реализацияси учун белгиланган муддат;

ln — табиий логарифм;

e — табиий логарифмга асос қилиб олинadиган сон (2,718).

Баҳолаш объекти ички бозорда экспозиция қилинадиган ўртача муддат ($t_{норм}$) (ой)

Объект номи	Муддат
Автотранспорт воситалари	
Енгил автомашиналар	2 ой
Юк автомобиллари	3 ой
Махсус транспортлар	4 ой
Бошқа турдаги транспорт воситаси	6 ой
Усқуналар	
Машиналар, механизмлар, дастгоҳлар	4 ой
Технологик линиялар	6 ой
Кўчмас мулклар	
Турар жойлар	3 ой
Савдога мўлжалланган кўчмас мулклар	4 ой
Офисга мўлжалланган кўчмас мулклар	6 ой

Объект номи	Муддат
Омборлар	6 ой
Ишлаб чиқаришга мўлжалланган кўчмас мулклар	9 ой
Мулкый комплекс	12 ой

**Объектининг реализацияси учун белгиланган
муддат ($t_{лик}$) (ой)**

Объектининг реализацияси учун белгиланадиган муддат суд ижрочиси томонидан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан тайинланади.

**Баҳолаш объекти сотилиши мумкин бўлган энг охириги
нархини назарда тутувчи коэффициент (k)**

k	кўчар мол-мулк	кўчмас мол-мулк
	0,95	0,9

Ҳар қандай мол-мулкнинг мазкур формула ёрдамида ҳисобланган ликвид қиймати унинг бозор қийматининг 70 фоизидан паст бўлган тақдирда ушбу мол-мулкнинг ликвид қиймати унинг бозор қийматининг 70 фоизи миқдорида этиб белгиланади.

Яъни, ҳар қандай турдаги мол-мулкни қисқа муддат ичида реализация қилиш учун кўпи билан 30 фоизгача арзонлаштирилиши мумкин.

20. Агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, суд ижрочиси баҳолаш натижалари бўйича баҳоловчи ташкилот томонидан тақдим этилган ҳисобот асосида савдога чиқариш учун мол-мулкнинг бошланғич нархини белгилайди.

6-боб. Якуний қоида

21. Мазкур Низом талабларини бузишда айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Суд ижрочилари томонидан ижро
харакатларини амалга оширишда хатланган
мол-мулкни баҳолаш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Мол-мулкни баҳолаш тўғрисида
ҚАРОР**

_____ йил «____» _____
(йил, кун, ой) (қарор чиқарилган жой)

_____ туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими суд ижрочиси
(бўлим номи)

_____ (суд ижрочиси Ф.И.О.) _____ (ижро хужжатини берган орган номи)

нинг _____ йил _____ даги _____-сонли, қарздор _____ дан
(қарздор номи)

ундирувчи _____ фойдасига
(ундирувчи номи)

_____ тўғрисидаги ижро хужжати
(ижро хужжатининг мазмуни)

юзасидан _____ йил «____» _____ да қўзғатилган _____-сонли ижро
иши билан танишиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИМ:

Мазкур ижро хужжати бўйича олиб борилган мажбурий ижро ҳаракат-
лари жараёнида ундирувни қарздорга тегишли бўлган мол-мулкларга қара-
тиш мақсадида _____
(рўйхатга олинган мол-мулклар бирма-бир номи ва сони кўрсатилган ҳолда ёзилади)

_____ лар
рўйхатга олинган.

Ушбу мол-мулкларнинг алоҳида олинган қиймати энг кам иш ҳақининг
йигирма бараваридан, мол-мулкнинг жами қиймати эса энг кам иш ҳақининг
юз бараваридан ортиқ бўлмаганлиги сабабли ушбу ҳолатда уларнинг шарт-
номавий нархи баҳоловчи ташкилотни жалб қилмаган ҳолда мустақил бел-
гиланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Баён этилганларга қўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Суд хужжат-
лари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуни-
нинг 54, 84, 86-моддаларини қўллаб,

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

1. Ижро ҳаракатлари давомида рўйхатга олинган _____
_____ларга бўлган
талаб ва таклифнинг бозор конъюнктураси ҳолати тўғрисидаги _____

(бозордан олинган маълумот, интернетдан олинган ахборот ва/ёки мутахассис хулосасининг санаси ва рақами)

инобатга олинсин.

2. Рўйхатга олинган мол-мулкларнинг алоҳида олинган қиймати қуйи-
дагича этиб белгилансин:

_____ — _____ сўм;
(мол-мулкнинг номи)

_____ — _____ сўм;

_____ — _____ сўм;

_____ — _____ сўм.

3. Ушбу қарорнинг нусхаси маълумот учун ижро иши юритишдаги та-
рафларга юборилсин.

4. Ижро иши юритишдаги тарафлар ўтказилган баҳолаш натижалари-
дан норози бўлган тақдирда, қарор нусхасини олган кундан эътиборан ўн
кун кунлик муддатда суд ижрочиси жойлашган ердаги умумий юрисдикция
судига ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга, мансабдор шахсга
шикоят қилиши мумкин.

Суд ижрочиларининг _____
(туман (шаҳар) номи)

Туман (шаҳар) бўлими
суд ижрочиси

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Суд ижрочилари томонидан ижро ҳаракатларини амалга оширишда хатланган мол-мулкни баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Баҳоловчи ташкилот томонидан амалга оширилган баҳолаш натижаларини қабул қилиш ва ижро иши ҳужжатларига бириктириш тўғрисида ҚАРОР

_____ йил «____» _____ (йил, кун, ой) _____ (қарор чиқарилган жой)

_____ туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими суд ижрочиси (бўлим номи)

_____ (суд ижрочиси Ф.И.О.) _____ (ижро ҳужжатини берган орган номи) нинг _____ йил _____ даги _____-сонли, қарздор _____ дан (қарздор номи)

ундирувчи _____ фойдасига (ундирувчи номи)

_____ тўғрисидаги ижро (ижро ҳужжатининг мазмуни) ҳужжати бўйича баҳоловчи ташкилот томонидан тақдим этилган _____ йил «____» _____ даги баҳолаш хулосаси билан танишиб, қўйидагиларни

АНИҚЛАДИМ :

Мазкур ижро ҳужжати бўйича олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари жараёнида ундирувни қарздорга тегишли бўлган мол-мулкларга қаратиш мақсадида рўйхатга олинган _____ (рўйхатга олинган мол-мулклар бирма-бир номи ва сони кўрсатилган холда ёзилади)

_____ лар

баҳоловчи ташкилот томонидан қўйидагича баҳоланган:

- _____ — _____ сўм;
(мол-мулкнинг номи)
- _____ — _____ сўм;
- _____ — _____ сўм;
- _____ — _____ сўм.

Мазкур ижро ҳужжати бўйича баҳоловчи ташкилот томонидан тақдим этилган хулосани қабул қилиш ва ижро иши ҳужжатларига бириктириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Баён этилганларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳужжат-

лари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуни-нинг 20, 54, 75, 84, 86-моддаларини қўллаб,

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

1. Қарздор _____ дан ундирувчи _____
(қарздор номи) (ундирувчи номи)

фойдасига _____ тўғрисидаги
(ижро хужжатининг мазмуни)

_____ -сонли ижро хужжати бўйича баҳоловчи ташкилот томонидан тақ-дим этилган _____ йил «___» _____ даги баҳолаш хулосаси қабул қилинсин ва ижро иши хужжатларига бириктирилсин.

2. Рўйхатга олинган мол-мулкларнинг баҳолаш хизмати учун баҳоловчи ташкилотга белгиланган тариф асосида тўлаб берилиши лозим бўлган _____ сўм ижро ҳаракатларини амалга ошириш харажатларига ки-ритилсин.

3. Ушбу қарорнинг нусхаси маълумот учун ижро иши юритишдаги та-рафларга юборилсин.

4. Ижро иши юритишдаги тарафлар баҳолаш натижаларидан норози бўлган тақдирда, қарор нусхасини олган кундан эътиборан ўн кун кунлик муддатда суд ижрочиси жойлашган ердаги умумий юрисдикция судига ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга, мансабдор шахсга шикоят қили-ши мумкин.

Суд ижрочиларининг _____
(туман (шаҳар) номи)

Туман (шаҳар) бўлими
суд ижрочиси

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)